# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 17 март, № 54 (5474) Шанба


# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**



Сизларга яхши маълумки, кейинги вақтда Тошкент шаҳар ҳокимиятида раҳбарият янгиланди, янги раҳбар иш бошлади, ҳокимнинг биринчи муовини, бир қатор туманларнинг ҳокимлари ўзгарди, шаҳар кенгаши депутатлари таркибида ҳам ўзгаришлар бўлди, деди Президентимиз Ислом Каримов.

Албатта, бундай ўзгаришларни шиддат билан ривожланаётган замоннинг ўзи, айни вақтда халқимизнинг ошиб бораётган талабларини, керак бўлса, эҳтиёжларини таъминлаш зарурати тақозо этмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар таъсирини, ким қаерда бўлмасин, қандай лавозим ёки вазифада ишламасин — ишчи ёки хизматчи бўладими, қурувчи ёки муҳандис, тадбиркор ёки ўқитувчи бўладими — ҳар бир юртдошимиз бугун ўз мисолида сезиши, англаши табиий. Чиндан ҳам, вақт, замон ўзгариши билан ҳаёт янги-янги талабларни илгари сурмоқда. Ана шу талабларга мос ҳолда, ҳар қайси одамнинг онгу тафаккури, ишга, ҳаётга муносабати ҳам ўзгариб бориши зарур. Акс ҳолда, унинг ўзи ҳам, у мансуб бўлган жамоа, охир-оқибатда эса халқ ва мамлакат ҳам қолоқликка юз тутиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши муқаррар.

Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан, аввало, раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапирамиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.

Шу маънода, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир", деган сўзлари менга худдики айнан бугунги кунимиз учун айтилгандек туюлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини истаймиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз, деб ўз фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни шунинг учун Тошкент шаҳрини бошқарадиган, унинг ўта мураккаб, ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган хўжалигини тебратадиган, бу ерда яшайдиган миллион-миллион одамларнинг, катта бўладими, кичик бўладими, эҳтиёжларини қондиришга масъул бўлган шахсга нисбатан талаб ҳам, албатта, бошқача бўлиши ўз-ўзидан равшан.

Айтиш жоизки, Тошкент мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгариб, янгиланиб, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган марраларни эгаллаб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино ва иншоотлар, тураржойлар, янги-янги олий ўқув юртлари, таълим ва шифо масканлари, магистраль кўча ва проспектлар, муҳташам кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, унинг чеҳраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг ғурур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда Тошкентимиз, айтиш мумкинки, ўзининг илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, қолаверса, чиройи ва бетакрорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортиб келаётганига, турли халқаро учрашув ва саммитлар, форум ва анжуманлар ўтказиладиган йирик марказга айланиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, 2010 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг мажлиси, 2011 йилда тиббиёт соҳасининг долзарб масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида ўтказилган симпозиум ҳамда 2012 йил февраль ойида таълим ва тараққиёт мавзусига бағишланган нуфузли халқаро конференция бу фикрнинг яққол далилидир.

Пойтахтимиз аҳлининг фидокорона меҳнати билан ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар мамлакатимизнинг умумий ривожланиш суръатларини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 14 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳрининг улушига тўғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далолат беради, деди Ислом Каримов.

Сўнгги уч йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ўсгани шаҳар иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳри доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандис-техник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тутиб келади. Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Тошкентнинг бу борадаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги корхоналарда уч мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Биргина <u>Маҳаллийлаштириш дастури</u> доирасида шаҳардаги корхоналар томонидан 100 га яқин янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди ва 4 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Ўтган уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунига етказилди.

Тошкент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам йирик марказига айланиб бормоқда. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етгани алоҳида диққатга сазовор. Энг муҳими, айни шу соҳа ривожи ҳисобидан қарийб 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

Тошкент шаҳар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, охирги уч йилда пуллик хизматлар ҳажми 1,6 баробар ўсганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг энг йирик банклари, уларнинг шаҳар ва туман филиаллари фаолият юритаётган пойтахтимизда ишни замонавий асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётгани туфайли бу соҳадаги хизмат сифати ва самарадорлиги ошиб бормоқда.

Шулар қаторида техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланган, биржа операцияларини реал вақт режимида амалга оширадиган Ўрта Осиёдаги энг йирик товар-хом ашё биржаси, қимматли қоғозлар ҳамда валюта биржалари, суғурта, лизинг, аудиторлик компаниялари Тошкентнинг йирик молиявий марказ сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

<u>Транспорт инфратузилмасини</u> яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида Кичик ҳалқа йўлида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистраль йўллар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фақат 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Шаҳрисабз ва бошқа ўнлаб кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли соғлиғини сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўрин эгаллаб келаётгани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Президентимиз.

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлари — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни яратилган шароитига кўра, олий ўқув юртларидан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўладими, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш бўладими, бу билим масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўладими — буларнинг барчаси одамнинг ғурури ва ҳавасини тортадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бутун дунёга машҳур "Женерал Моторс" компанияси билан биргаликда ташкил этилган, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада яқинда ана шундай билимли ва малакали ёшлар билан учрашганимда мен бунга яна ва яна бир бор иқрор бўлдим. Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизида яратилган, компьютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг нозик деталларни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пухта ўзлаштириб олган фарзандларимизни кўриб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёниб турган кўзларига боқиб, худдики ўзимнинг болаларимнинг ютуғини кўргандек қувонганим ҳеч қачон хаёлимдан чиқмайди. Бундай ёшлар билан танишиб, уларнинг иш самарасини кўрган ҳар қандай одам Ўзбекистон бугун, ҳақиқатан ҳам, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганини беихтиёр ҳис қилади, деди Юртбошимиз ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Маълумки, жаҳонда ўзининг нефть, газ каби ер ости захиралари ҳисобидан бойлик орттираётган давлатлар ҳам оз эмас. Албатта, сармоя бўлса, кўп нарсани, жумладан, замонавий технологияларни ҳам сотиб олиш мумкин, лекин уларни ишлатиш, самарали фойдаланиш учун, энг аввало, юксак малакали етук кадрлар керак.

Мен ҳам ўз вақтида кўп заводларда ишлаганман. Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари, Тошкент авиация бирлашмаси ва бошқа йирик корхоналарда технологияларни ўзлаштириш мактабини ўтаганман. Лекин "Женерал Моторс" билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз — бу бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини албатта бориб кўриш керак. Бу ерда ёшларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қойил қолдирмоқда.

Биз 20 йил давомида қанча-қанча синов ва қийинчиликларни, бизга нисбатан бўлган менсимаслик қарашларини ҳам бошимиздан кечирдик. 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда илгари қурилган корхоналар тўхтайди, муҳандислар, техник ходимлар, олимлар ва зиёлилар бу мамлакатни тарк этади, бу ерда тараққиёт орқага кетади, деган гапларни ёшлар эшитмаган бўлиши мумкин, лекин ҳурматли оқсоқолларимиз буни яхши билади. Биз ана шундай мураккаб даврда барча машаққатларга чидаб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, ўз иродамизни, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга намоён этдик.

Яқинда Тошкент шаҳрида таълим масалалари бўйича ўтказилган халқаро конференцияда жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлар вакиллари, шу соҳанинг кўзга кўринган намояндалари томонидан биз эришган улкан ютуқлар яна бир бор тан олиниб, бошқаларга ибрат сифатида эътироф этилгани барчамизни қувонтиради.

Энг муҳими, бугунги кунда юртимизда ҳаёт сифати ўзгариб, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг нафақат онгу тафаккури, балки турмуш маданияти, айтиш мумкинки, ҳатто кийиниш маданияти ҳам юксалиб бормоқда.

Агарки мендан шу даврда амалга оширган энг катта ишларимиз ҳақида ҳисоб беришни сўраса, мен, ҳеч шубҳасиз, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораётган улкан ишларимизни фахру ғурур билан айтган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва кўламига кўра беқиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустаҳкам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу йўлдаги ҳаракатларимизни тўхтатиш асло мумкин эмас, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича эришаётган катта ютуқларимизда Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Бугунги кунда бу ерда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, перинатал ва скрининг ҳамда диагностика марказлари, бир қатор ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлар ва бошқа кўплаб соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия маркази фойдаланишга топширилиш арафасида турибди ва келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Р. Ж. Усмоновни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 март

## Қулай инвестициявий муҳит ва самара

*Халқаро экспертлар Ўзбекистонда кузатилаётган барқарор ривожланишни иқтисодиётни модернизация қилиш ва саноатни диверсификациялаш бўйича изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси сифатида изоҳлашмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилаётган бўлиб, бу Ҳамдўстлик давлатлари ичида барқарорлиги билан ажралиб туради.*

### Анжуман

Дарҳақиқат, жалб этилаётган инвестициялар, энг аввало, юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган замонавий қувватларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилмоқда. Натижада иқтисодиётнинг барча тармоқлари, айниқса, автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик ва фармацевтика саноатида юқори ўсишга эришилаяпти.

2011 йилда инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 11,2 фоизга ўсиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич халқаро мезонлар бўйича ижобий ҳисобланади. Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, унинг 73 фоизидан ортиғи ички, қолган қисми эса ташқи манбалар ҳиссасига тўғри келади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллиги ортишига, айтиш мумкинки, солиқ имтиёзлари рағбатлантирувчи куч бўлаётир. Масалан, ўтган йили микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши эвазига қарийб 80,3 миллиард сўм иқтисод қилиниб, ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга сарфланди.

(Давоми 3-бетда).

## ЭКСПЕРТЛАР:

## «РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ»

***Россиялик таниқли эксперт Леонид Папирин "Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади" деган фикрни илгари сурмоқда. Польшада 2011 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган "Дунёнинг геосиёсий харитасида Марказий Осиёнинг ўрни" мавзуидаги семинарда мазкур эксперт Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳақида сўзлаб берди. 2005 — 2007 йилларда эксперт Роғун ГЭСи қурилишини асослаш учун муҳандислик-геологик қидирув ишлари материалларини батафсил ўрганиб чиққан эди. Қуйида унинг маърузасидан парчалар келтирилмоқда.***

Тадқиқотлар 1968 — 1978 йилларда ўтказилган бўлиб, мазкур муддат бундай мураккаб ва катта ҳажмдаги иш учун жуда камлик қилади. Олиб борилган тадқиқотларни ўша пайтдаги қурилишга оид нормалар, қоида ва йўриқномаларга асосланиб баҳолайдиган бўлсак, кўплаб масалалар ҳал этилмагани маълум бўлади.

Амалда ер усти геофизик ишлари мутлақо олиб борилмагани таажжуб уйғотади. Бу эса ўша даврда амал қилган йўриқномалар ва қоидаларга зид равишда геологик хариталаш ва ўпирилиш жараёнларини ўрганиш геофизика ишлари олиб борилмаган ҳолда олдиндан ўтказилганидан далолат беради.

Туз тошларини хариталаш ишлари бажарилмаган. Матнда асосий кўчкилар ҳисоб-китоби бажарилгани қайд этилган бўлса-да, бу иш қандай материаллар асосида ва ким томонидан бажарилгани аниқ кўрсатилмаган. Ушбу материалларни Роғун ГЭСи архивидан топишга уриниш кутилган натижани бермади.

Роғун ГЭСида биринчи даражали муаммолар сейсмик фаолликни ва туз тошларини ўрганишдан иборатдир. Тошларнинг чуқурликдаги таркиби геофизикавий тадқиқотлар ёрдамида ўрганилмаган. Сейсмик материалларнинг аксарияти 20-25 йил аввал ўтказилган эски тадқиқотларга асосланади. Улар эски сейсмостанциялар ёрдамида сийрак тармоқ орқали олинган. Бунда сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудлар координатасида 20-25 километргача хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Ушбу станциялар материалларига замонавий компьютер технологиялари орқали ишлов бериш мушкул. Роғун ГЭСи тўғони ўзининг баландлигига кўра (280-335 метр) ўта хавфли объектлар сирасига киради.

(Давоми 3-бетда).

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда Тошкент шаҳрида кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз борар экан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги улкан ишлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, бошқа ўнлаб муҳташам бино ва иншоотлар бу борадаги ишларимизнинг ёрқин намоёни экани қайд этилди.

Тошкентнинг сўнгги йилларда яққол эътироф этилаётган яна бир устувор хусусияти борки, у ҳам бўлса, унинг дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар йили янги-янги обод уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, энг муҳими, бунёдкор Тошкент аҳлининг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз шаҳрига бўлган меҳри ва эътибори ана шундай эътирофга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Илгариги вақтда шаҳарнинг аксарият мавзе ва майдонлари қуруқ бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёз ойларида одамнинг нафаси қайтиб кетадиган бир аҳволда эди. Кейинги йилларда кўплаб майдон ва хиёбонларда кўкаламзор ҳудудларни кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, арча, каштан, қайин, қарағай, эман каби кислородга бой дарахтлар, яшил буталар, майсазор майдонлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин шу борада биргина рақамни олиб келсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади, деди Ислом Каримов. Агарки 1990 йилда Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич икки ярим баробардан зиёдга ортиб, ҳозирги вақтда 23 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, мана шундай улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

Эски шаҳарнинг илгариги ҳолатини кўпчилик яхши эслайди, албатта. Жазирама ёз пайтида бу ерда осмонни туманга ўхшаш қора қурум қоплаб ётарди. Ёшларимиз буни билмаслиги мумкин, лекин кўпчилик одамларимиз шундай оғир шароитда яшагани ҳақиқат, деб қайд этди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари жорий 2012 йилда Тошкентни янада обод қилиш йўлида бошланган ишларни давом эттириб, яна кўплаб янги объектларни ишга тушириш кўзда тутилаётгани ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Аввало, Алишер Навоий кўчасидаги ижтимоий-маданий ва маиший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган 8 та янги уй-жойнинг қурилиши якунига етказилади. Мен сизларга шу уйларни бориб кўришни тавсия қилган бўлардим. Бу янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундайки, агар уй-жой қурадиган бўлсак, эски замондагидек пахсадан эмас, балки етти пуштимизга етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 80-100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак.

Айнан ана шундай талаблар асосида ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича кўплаб уй-жойлар қурилаётганидан хабарингиз бор, албатта. Шаҳримизнинг қоқ марказида, Алишер Навоий кўчасида бунёд этилаётган уйлар Европанинг тараққий топган давлатларида қурилган уйлардан асло кам бўлмаслиги керак. Уларнинг олдида одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган масканлар, зарур инфратузилма объектлари барпо қилиш, келгусида бундай уйларни яна кўплаб қуришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2012 йилда, шунингдек, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан бу йилнинг ўзида 14 та мактаб, 3 та академик лицей, 6 та касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, 8 та даволаш муассасасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга оширишга киришилди. Шу борада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Педиатрия тиббиёт институтида бошланган ишлар бу йил изчил давом эттирилади. Шулар қаторида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасини ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Чилонзор туманида "Бунёдкор" стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган футбол мактаби ҳам қуриб фойдаланишга топширилади. Бундай ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Пойтахтимизда яқин келгусида амалга ошириладиган йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, деди Юртбошимиз ўз нутқини давом эттириб, Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган Эски шаҳар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат — Президент қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принциплари ва нормаларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, иккита ғоят муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчи масала — Эски шаҳар ҳудудидаги мавжуд аҳвол, аввaламбор, йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати, тураржой массивларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражаси замонавий талабларга, шаҳарсозлик ва санитария нормаларига қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Иккинчи масала — реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, халқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлашдан иборат.

Ана шу муҳим йўналишлар Тошкентни истиқболда замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштириш дастури лойиҳасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Таъкидлаш керакки, бу дастур 2020 йилга қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича мутахассислар, архитектор ва лойиҳачилар, тарихчи олимларни жалб этган ҳолда, ишчи гуруҳлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, ана шу ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар асосида ишлаб чиқиладиган дастур лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинади. Чунки бу ўринда сўз бутун халқимиз, мамлакатимиз тарихига, унинг миллий қадрият ва анъаналарига, минг-минглаб юртдошларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалалар ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Йиллар, асрлар ўтса ҳам, эски ўрни бузилиб кетган бўлса ҳам, бундай қадимий шаҳарларда одамлар тарихий хотира туйғусини йўқотмасдан, кўҳна манзил ва масканларни доимо эслаб юради. Тошкентнинг ўн икки қадимий дарвозасини, уларнинг Лабзак, Қашқар, Кўкон, Қайтмас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасув ва Тахтапул деган номларини халқимиз ҳозирга қадар ёдидан чиқармасдан келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Барчамизга яхши маълумки, собиқ совет даврида, айниқса, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин узоқни ўйламасдан, палапартиш қилинган ишлар туфайли пойтахтимиз ривожи билан боғлиқ кўпгина муаммолар тўпланиб қолган эди.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли Тошкентнинг бетакрор табиатига катта зарар етказилди, қанча-қанча боғлар бузилиб, ариқ ва булоқлар кўмилиб, уларнинг ўрнида иқлим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига ўхшайдиган кўп қаватли темир-бетон уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқин ўтмишдаги ана шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, шаҳарсозликда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кесиш керак.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб бораётган йўл қурилишида бундай ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирганда, бир фикрни алоҳида таъкидлаш лозим: 4-5 полосали йўллар қуриш, кўчаларни кенгайтириш мумкин, лекин йўл ёқасидаги уйларни нима қилиш керак?

Ҳозирги вақтда Тошкентга келаётган одамлар йўлларимизнинг кенглигини кўриб, ҳайрон қолмоқда. Аммо бу йўлларнинг қандай қийинчиликлар билан кенгайтирилаётганини кўпчилик билмайди.

Айтиш керакки, шаҳарда мавжуд бўлган трамвай ва троллейбус линиялари бугунги кун талабларига, транспорт ҳаракатининг тезлигига жавоб бермай қўйгани сир эмас.

Биз аввалги эски трамвай ва троллейбус йўналишларидан воз кечиш ҳисобига йўлларни кенгайтиришга эришмоқдамиз. Тошкент шаҳрида мавзелар ўртасида тезюрар трамвайларнинг ҳаракатини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айниқса, йўллардаги қатнов йўналишларини ажратиб турадиган бетон тўсиқлар ўрнатилаётгани яхши натижа бермоқда.

Сизларга яхши маълумки, совет даврида Тошкентда коммунистик мафкура руҳидаги номлар кўп бўлган. Кейинги пайтда уларнинг қадимий номларини тиклаш бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Қатор майдон ва кўчалар, истироҳат боғлари, жумладан, Учтепа ва Олмазор туманлари мисолида ана шундай тарихий номлар тикланганини кўриш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, 90-йилларнинг бошларида жойларга ном бериш масаласида палапартиш ва бир ёқлама иш тутиш ҳолатлари юз берганидан кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, кимнингдир боласи амалдор бўлиб қолса, отаси ёки бирон-бир қариндошининг номини кўча ёки мактабга беришга ҳаракат қилган.

Мен мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги аэропорт биноси билан танишар эканман, ён-атрофдаги баъзи кўчаларга номлари қўйилган шахслар ҳақида сўраганимда, ишонасизми, ҳеч ким аниқ бир маълумот беролмади.

Мана энди, бу масалага ҳам бутунлай янгича ёндашиб, масъулият билан, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш кўриш вақти келди. Яқинда жой номлари бўйича махсус қонун қабул қилдик. Бу борадаги асосий талаб шуки, жойларга шахсларнинг номини имкон қадар камроқ қўйиш керак. Шунда ўзимиз учун камроқ муаммо туғдирган бўламиз.

Таъкидлаш керакки, бу шунчаки топономик масала эмас, аввало, маънавий тарбия масаласидир. Жой номлари юртдошларимиз, ёшларимиз қалбида ўз юртига муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтиришга, уларнинг дунёқараши ва маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Бу борада сохта ва қалбаки ишлар билан фарзандларимизнинг онги, тарбияси, адолат ва келажакка ишончига путур етказишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Тошкент ҳақида, Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга ошириш мўлжалланаётган ўзгаришлар ҳақида яна кўп гапириш, бу мавзуни узоқ давом эттириш мумкин, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимиз ҳаётида биз шундай катта ютуқларга эришдикки, бу тўғрида тортинмасдан, фахр билан ҳар қанча гапирсак, арзийди, албатта.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай юксак марраларнинг замирида мен учун азиз бўлган тошкентликларнинг фаоллиги, пойтахт аҳолисига хос бўлган аҳиллик, меҳр-оқибат, ишбилармонлик каби фазилатлар, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат мужассам, десак, асло хато бўлмайди. Ва бунинг учун сизларга, кўп миллатли бутун Тошкент аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман, деди Юртбошимиз.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида эришилган ютуқлар билан бирга, ишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган турли муаммолар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, шаҳар ва туман раҳбарлари, барча фаолларимиз қўлини холисона кўксига қўйиб, ўзига ўзи ҳисоб бериши, бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бош қотириши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай нуқсонларни шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз ўз кундалик ҳаётида бу муаммоларга доимо дуч келади, деди Ислом Каримов.

Аввало, одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряпманми ёки йўқми, деган саволни ўзига беришни, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади.

Шу маънода, раҳбар кадрларнинг масъулияти ҳақида фикр юритганда, бу борада Тошкент шаҳрида бир қанча нуқсонларга йўл қўйилаётганидан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Ўз фаолиятида турли қонун бузилишларига, вазифани суиистеъмол қилишга йўл қўйгани учун кейинги вақтда Бектемир тумани ҳокими А. Ҳошимжонов, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари А. Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиғи А. Ҳасанхўжаев, бинолардан фойдаланиш департаменти бошлиғи М. Мирсагатов, "Тошшаҳаргаз" бошқармаси бошлиғи А. Саидвалиевнинг жиноий жавобгарликка тортилгани шундан далолат беради. Шунингдек, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б. Камолов, Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Турсунов хизмат вазифасини талаб даражасида бажара олмагани сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансалорлик ва расмиятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда. 2011 йилда Тошкент шаҳар фуқароларининг Президент девонига шикоят ва аризалари сони 2010 йилдагига нисбатан ўртача 11 фоизга ортгани ҳам бу борадаги аҳволнинг қониқарли эмаслигидан дарак беради.

Бу ҳақда гапирганда, мана шундай мажлис ва учрашувларда кўп бор айтиладиган, кўп қарорларда қайд этилган бир фикрни таъкидлаш лозим. Яъни, ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун ечмаса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи ва вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат.

Яна бир масала шуки, бундай мурожаатларни кўриб чиқаётганда, аризаларни жойларга бориб текшираётганда, биринчи навбатда, кимга суяниш керак? Аввaламбор, жамоатчиликка, маҳалла фаолларига. Шунинг учун ҳам бундай мурожаатларни жойларда қанча кўп очиқ, ошкора муҳокама қиладиган бўлсак, уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўрадиган бўлсак, ариза ва шикоятларнинг сони шунча камаяди. Қайси бир шикоятда ҳақиқат, қайси бирида эса шахсий адоват борлиги айнан шундай муҳокамалар пайтида аён бўлади.

Аҳолини иш билан банд қилиш масаласида ҳам Тошкент шаҳрида муаммолар кам эмас. Одамнинг ҳаётга, давлатга, ҳокимиятга жуда кўп талаблари бор, лекин улар орасида бир ҳаққоний талаб борки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу — ҳар қайси одамнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, унга ўз қобилият ва истеъдодига муносиб иш топиб бериш масаласидир. Бу — биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият, тегишли давлат идораларининг энг асосий вазифасидир.

Тошкент шаҳрида ўтган йили 82 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилгани, жумладан, касб-ҳунар коллежларини битирган 33 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ишга жойлаштирилгани албатта эътиборга лойиқ. Лекин Бектемир туманида кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш, Яккасарой ва Учтепа туманларида эса касаначилик ҳисобидан иш ўринлари яратиш режаси тўлиқ бажарилмагани, Миробод, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги бандлик хизматлари томонидан 5 минг 100 киши ишсиз сифатида расман рўйхатга олинган. Аммо ўйлайманки, уларнинг ҳақиқий сони анча кўп. Нега деганда, минг афсуски, ишсиз юрганларнинг кўпчилиги ўз вақтида бандлик идораларига бориб, рўйхатга турмайди, ўз дардини ўзича ҳал қилмоқчи бўлади. Бундай ҳолатни ҳам ўзгартириш вақти келди. Масалан, Тошкент шаҳрида 5 минг 100 киши ишсиз эканига ким ишонади? Шунинг учун бандлик хизмати идоралари ўз ишини тубдан қайта кўриб чиқиши зарур.

Маълумки, бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланмоқда. Ҳатто энг ривожланган давлатлар ҳам шундай муаммони бошидан кечирмоқда. Европадаги етакчи мамлакатларда 8-9 фоиз, баъзиларида эса ҳатто 20 фоизгача одам ишсиз экани кузатилмоқда.

Шундан хулоса қилган ҳолда, биз бу борада мунтазам равишда иш олиб боришимиз, унинг ечими ҳақида бош қотиришимиз керак. Одамлар учун барқарор даромад манбаи, муносиб иш ўринларини яратиб бериш зарур. Ўзингиз ўйланг, агар мана шу залда ўтирган раҳбарлар ва фаолларнинг ҳар бири 5-10 тадан янги иш жойлари ташкил этиб берса, бу қандай катта савоб иш бўлар эди, деб қайд этди Юртбошимиз.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қандай катта роль ўйнашини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ана шу муҳим соҳани ривожлантиришда Тошкент шаҳрида айрим камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Аввало, ўз ишини ташкил этаётган тадбиркорлар бино ва иншоотлар қуриш учун рухсатнома олишда, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларига уланишда ҳали-бери бюрократик тўсиқларга дуч келаётганини, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўйилаётганини очиқ тан олиш лозим.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бугунги кунда айни шу масала, яъни аҳолини, аввaламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак.

Ҳаммамизга маълум, биз бу йил жуда оғир қиш мавсумини бошимиздан ўтказдик. Айни мана шундай қийин мавсумда шаҳар хўжалигида, айниқса, коммунал соҳада ўз вақтида эътибор берилмаган муаммолар лоп этиб ўртага қалқиб чиқади. Тошкентда қаҳратон қиш палласида иссиқлик таъминотида, электр энергияси, табиий газ билан таъминлашда айрим муаммолар юз бергани ҳам сир эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги 8 минг 244 та кўп қаватли уй-жойнинг 1 минг 252 таси қишга яхши тайёрланмаган. Жумладан, қозонхоналарни қиш мавсумига тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар туфайли декабрь ва январь ойларида 2 та йирик корхона томонидан аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда узилишлар вужудга келган.

Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги яқин кунлар ичида кузги-қишки мавсум якунлари бўйича алоҳида мажлис ўтказиб, бу борадаги ишларнинг аҳволига танқидий ва принципиал баҳо бериши керак.

Ким мана шу оғир пайтда ўзини аямасдан, жонкуярлик кўрсатиб ишлаган бўлса, у оддий ишчи ёки мутахассис бўладими, бундай заҳматкаш инсонларнинг барчасига раҳмат айтиш, рағбатлантириш, керак бўлса, Президент номидан мукофот бериш, давлат мукофотларига тавсия этиш лозим. Лекин бу масалага совуққонлик билан қараб, ишда нуқсонларга йўл қўйган, лавозимда ўтирган раҳбарларнинг масъулиятини ошириш учун тегишли чоралар кўриш зарур, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Айни вақтда шаҳардаги мавжуд тураржой фондини сақлаш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳам талаб даражасида эмаслигини қайд этиш даркор. Аксарият уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз вазифасини тўлиқ бажармаётгани туфайли 1991 йилгача қурилган 300 дан ортиқ кўп қаватли уйда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган, ўтган йили уйларнинг ташқи томонини таъмирлаш ишлари фақат 89 фоизга бажарилган, холос. Етарли маблағ ажратилганига қарамасдан, кўп қаватли уйлардаги 36 та лифт ўз вақтида ўрнатилмаган.

Юқорида келтирилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг келгусида такрорланмаслиги учун хулоса ва сабоқ чиқариш, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий вазифа сифатида қаралиши зарурлиги сессияда алоҳида қайд этилди.

Мана, қишдан эсон-омон чиқиб олдик, насиб этса, ҳадемай, Наврўз байрамини ҳам биргаликда ўтказамиз. Мана шундай вақтда, содда қилиб айтганда, "илик узилди" пайтда одам организми тўйимли, витаминга бой маҳсулотга эҳтиёж сезиши табиий ҳол. Лекин айни шундай вазиятдан, яъни ўтган йили етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари камайиб, янгиси ҳали чиқмаганидан фойдаланиб, баъзи бир ноинсоф кимсалар бозорда озиқ-овқат, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини ошириб юбориши — яширишнинг ҳожати йўқ — бу ҳам бор гап.

Биз бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кейинги йилларда ўз вақтида тегишли чоралар кўриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тегишли захирасини яратиш бўйича қилаётган ишларимиз, ўйлайманки, сизларга яхши маълум, деди Президентимиз. Жумладан, ўтган йили куз мавсумида Тошкент бўйича 71 минг тоннага яқин картошка, пиёз, сабзи, карам ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захира учун жамғариб қўйилгани қиш мавсумида бозорларимиздаги серобчиликни таъминлаб, нарх-навонинг кескин ошиб кетмаслигига олиб келди. Бугунги кунгача ана шу захиранинг 61 фоизи бозор нархларига нисбатан 25-30 фоизгача арзонлаштириб сотилгани аҳолимиз учун сезиларли мадад бўлди.

Шу билан бирга, чорва ва парранда гўшти, сут, тухум, балиқ маҳсулотлари ҳам фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида пойтахт бозорларига мунтазам етказиб берилаётганини қайд этиш зарур.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрига вилоятларимиздан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бераётган миришкор деҳқон ва фермерларимизга, бу ишларни ташкил қилаётган инсонларга сизларнинг номингиздан, азим Тошкент аҳли номидан раҳмат айтишни ўринли, деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда яна бир муҳим масала, яъни Тошкент шаҳрида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. 2011 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида жиноятлар сони 2010 йилдагига нисбатан 1,6 фоиз камайишига эришилгани таъкидланди. Жумладан, қотиллик, фирибгарлик, безорилик, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайган. Лекин айни вақтда қасддан оғир тан жароҳати етказиш, ўғрилик ва талончилик жиноятлари ўсгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни зарур, деб биламан. Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир, деди Ислом Каримов.

Албатта, тегишли қонунларни қабул қилиш мумкин, лекин бу қонунлар бажарилмаса, одамлар, аввало, раҳбарлар, қонун ҳимоячилари бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари қонунга итоат қилмаса, бундай шароитда адолатга, ҳокимиятга ишонч қоладими ўзи? Адолатга, ҳокимиятга ишонч йўқолган жойда аҳвол қандай тус олишини, ўйлайманки, тасаввур қилиш қийин эмас ва бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни тиклаш албатта қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни албатта эътироф этиш керак. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу масалада жамоатчилик назорати, маҳалланинг роли ва таъсири жуда кучли эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу борада мен илгари ҳам тўхталиб, маҳалла — халқ виждони, деган фикрни билдирган эдим, деди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам, энг виждонли, меҳр-оқибатли, одамнинг қадрига етадиган инсонлар айнан маҳаллада яшайди. Шунинг учун ҳам маҳаллани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кучайтириш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигига мажлисда алоҳида урғу берилди.

Бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ энг муҳим масалалар — бу қурилиш ёки ободонлаштириш бўладими, коммунал хизмат, маънавий ҳаётимизни юксалтириш, оила, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар бўладими — буларнинг барчасида мен аввало кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ўзимнинг энг яқин кўмакчим, таянчим ва суянчим, деб биламан ва мана шундай кўп қиррали фаолияти учун, шу фурсатдан фойдаланиб, уларга чин қалбдан ташаккур билдираман.

Албатта, Вазирлар Маҳкамаси юқорида зикр этилган барча масалаларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқиши ва тегишли чоралар белгилаши зарур, деди Ислом Каримов.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажариб келаётган Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайланди.

Барчамиз яхши тушунамиз, яхши англаймиз: Тошкент шаҳрига раҳбар, етакчи бўлиш, аввало, кўп миллатли пойтахт аҳлини бирлаштириш, ишни оқилона ташкил этиш, шаҳар ва туман раҳбарлари, маҳалла оқсоқолларининг бошини қовуштириш, уларга суяниш ва таяниш, депутат ва фаолларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилиш, энг муҳими, шу азим шаҳарда истиқомат қилаётган халқнинг ҳаёт сифатини юксалтириш, уни рози қилиш — сўзсиз ўта оғир ва мураккаб вазифадир, деди Юртбошимиз.

Бундай раҳбар кенг миқёсда фикрлаши ва узоқни кўриб иш тутиши лозим. Бугунги шиддатли ҳаёт эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларга тайёр бўлиб, уларнинг ечимини доимо ўйлаб яшашни талаб қилади.

Раҳбар талабчан ва қаттиққўл бўлиш билан бир қаторда, албатта, инсофли ва адолатли бўлиши, қўлга киритган ютуқлардан, атрофдаги лаганбардорларнинг хушомадгўйлигидан бузилмаслиги, оёғи ердан узилмаслиги, нафс балоси ва манманликка берилмаслиги даркор.

Албатта, бундай кўникмаларни одамга махсус ўргатиб бўлмайди. Кўп нарса унинг имони бутунлиги, иродаси мустаҳкамлигига боғлиқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун сизлар билан учрашиб, ютуқлар билан бирга ҳали ечилмаган муаммолар ҳақида фикр алмашиб, Тошкентнинг янада гўзал ва обод бўлиши учун, унга бўлган фарзандлик меҳримизни амалий ишларда намоён этиш учун кўзда тутилган режаларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, шу залда ўтирган ҳар қайси инсон албатта тўлқинланиб кетади, бамисоли унда қанот пайдо бўлади, десам, адашмаган бўламан. Сизлар билан ана шундай режаларни амалга оширишда Оллоҳдан мадад сўраб, барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан самимий табриклаб, яхши кунларда учрашишни тилаб қоламан, деди давлатимиз раҳбари пировардида.

Сессияда сўзга чиққан Олмазор туманидаги "Гуручариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Ҳикматов, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази мутахассиси Феруза Раҳматуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида Тошкент шаҳрининг бугунги тараққиёти, келгуси истиқболлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилганини таъкидлаб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, шаҳар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларимиз самарасини ошириш учун бутун пойтахт аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## ЭКСПЕРТЛАР:
# «РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг биринчи тоифали (100 метр) тўғонлардан ҳам баландроқ бўлиши мўлжалланмоқда. Шу сабабли мазкур қурилиш ҳудудида дастлабки сейсмик фаолликни белгилаш, сейсмик таъсир параметрларини ҳисоб-китоб қилиш, сейсмик фаолликни районлаштириш ва микросейсмик фаолликни районлаштириш ишларини инструментал сейсмик кузатув материаллари асосида тайёрлаш, айни вақтда турли кўламдаги геологик-тектоник, муҳандислик-геологик ва геофизикавий тадқиқотларнинг бутун бир комплексини тўла амалга ошириш тақозо этилади.

Ҳам эски, ҳам янги замонавий талаблар бўйича тўғонга туташ қияликларни батафсил ўрганиш, турли интенсивликдаги сейсмик таъсир пайтида қияликларнинг барқарорлигини ҳисоб-китоб қилиш керак. Шу сабабли янги ва замонавий тадқиқотларни ўтказиш ғоят зарур. Агар тақдим этилган ягона кесимга ишонадиган бўлсак, бу қияликдаги иккиламчи генерация кўчкиларининг ҳажми юз мингдан миллион кубометргача етиши мумкин. Иккиламчи генерация қатламларининг кўчиши Вахш дарёси ўзани тўсилиб қолишига ва бу ерда 40 — 80 метр баландликдаги тўғон пайдо бўлишига олиб келади. “Lahmeyer International” инжиниринг компанияси мутахассислари ана шундай хулосага келди. Яъни иккиламчи кўчкилар ГЭСнинг сув остида қолиш хавфини келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда туннеллар тизимига ҳамда ГЭСнинг асосий ер ости иншоотларига кириш Т-3 транспорт туннели орқали амалга оширилмоқда. Сув омборини тўлдириш ишлари бошлангач, бу туннель ёпиб қўйилади. Тўғонга барча қурилиш материаллари автотранспорт воситасида Пассимурхо сойининг юқори қисмидаги махсус йўл орқали ташилади. Бу йўл кўчки хавфи жуда юқори бўлган қияликдан ўтган. Сув омбори сувга тўла бошлагач, ўпирилиш жараёнлари кучаяди, йўл бузилади ва қурилиш ишлари тўхтаб қолади. Чунки Пассимурхо қияликларининг мустаҳкамлигини ўрганиш ва ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тўғон дарвозаларига яқин жойда, чап қирғоқдан Вахш дарёсига Обишўр сел ирмоғи қуйилади. У 10 — 11 йилда бир марта Вахш дарёсини тўсиб қўяди. Сўнгги марта бундай ҳолат 2009 йилнинг 19 майида рўй берган. Вахш ўзанида туз тошлари ҳажми 300 минг кубометрни ташкил этиб, улар қурилиш майдончаси доирасида сув сатҳининг олти метргача кўтарилишига олиб келган. Ёрдамчи қурилиш туннели бутунлай сув остида қолган. Бахтли тасодиф туфайлигина (сменалар алмашиш пайтида туннелда одамлар йўқ эди) қурбонлар бўлмади. Агар ана шундай тасодиф бўлмаганида, қурбонлар сони Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган ҳалокат пайтидагидан ҳам кўп бўлиши муқаррар эди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат. Биринчи сел оқими Вахш ўзанини бутунлай тўсиб қўймаган эди. Аммо кейинги иккинчи оқим бу ерда пайдо бўлган тўғон баландлигини янада оширди. Агар тинимсиз ёғингарчиликлар учинчи сел оқимини ҳосил қилганида, мазкур тўғон баландлиги бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Гидрологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир марта келган сел оқимининг энг юқори ҳажми 3 миллион кубометргача етади. Бундай кучли сел оқими электростанцияда жиддий ҳалокатни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Техника фанлари номзоди В. Ф. Илюшиннинг “Роғун гидроузели қурилишидаги қурилиш туннели ҳалокати сабоқлари” мақоласида (“Гидротехническое строительство” журнали, 2002 й., 4-сон) қурилиш туннелининг биринчи қавати 1990 — 1992 йилларда тўлиқ яроқсиз ҳолга тушиб қолгани ва бу ҳолатнинг сабаблари батафсил таҳлил қилинган. Умуман олганда, муаллифнинг фикрича, қурилиш ва тадқиқот ишларининг сурункали равишда етарли даражада молиялаштирилмаслиги 1992 йилдаги ҳалокатнинг асосий сабаби бўлган.

1993 йилда кучли сел оқими пайтида иккинчи туннель ва Вахш сувини қурилиш туннелларига буриб юборадиган сув тўсгичлар вайрон бўлган. Булардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ГЭСнинг бошқа узеллари ҳам авария ҳолатига тушиб қолган. Қурилиш ишлари иншоотларни консервация қилмаган ҳолда тўхтатиб қўйилган эди. Шу сабабли замонавий аппаратура ва ускуналар ёрдамида батафсил тадқиқот ишларини олиб бориш зарур. Ана шундан кейингина янги техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқишга киришиш мумкин.

Ишчи лойиҳани тузишдан олдин тадқиқ қилиш зарур бўлган шунга ўхшаш яна ўнлаб долзарб муҳандислик-геологик муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Туздан ҳимоялаш, қирғоқларнинг мустаҳкамлиги, сув омбори ҳудудига кирувчи Сурхоб дарёси ҳавзасида блокли қиялик кўчкилари шулар жумласидандир.

Жаҳон банки экспертиза ишларини ўтказиш учун 15 миллион доллар маблағ ажратди. Ажабланарлиси шундаки, бу ишларнинг буюртмачиси — Тожикистондир. Шу ўринда эслаш жоизки, Сарез кўлига оид муаммоларни тадқиқ қилишининг бош ҳомийси ҳам Жаҳон банки эди. Мураккаб Сарез тадқиқотларини ўтказиш учун Тожикистонда малакали мутахассислар йўқ. Бу ишларда қатнашган Швейцария фирмаси ҳам бундай мутахассисларга эга эмас. Мазкур ишларга фирма номидан асли касби қурувчи-муҳандис бўлган Патриз Дроз бошчилик қилган. Олти йил мобайнида олиб борилган ишлар Жаҳон банки лойиҳасининг тўлиқ инқирози билан якунланди. Маблағ сарфланган, аммо ҳеч қандай тадқиқот ўтказилмаган.

Ўйлайманки, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Роғун ГЭСи экспертизасини ўтказишнинг натижалари ҳам буюртмачиси тожик мутахассислари бўлган Сарез кўли ва бошқа объектларга оид тадқиқотлар натижалари каби самарасиз бўлади. Яъни жиддий тадқиқотлар ўтказилмаган ҳолда эски лойиҳа қурилиш учун яна яроқли, деб топилади.

Яқинда (2011 йил 16 августда) Жаҳон банки Тожикистонга Роғун қурилишини бошлашни тавсия қилмаслиги хусусидаги хабарлар пайдо бўлди. Айни пайтда Жаҳон банкининг расмий сайтида (www.worldbank.org) мазкур банкнинг Роғун ГЭСи лойиҳаси бўйича баҳолаш тадқиқотлари ўтказилиши жараёнини кўриб чиқиш мақсадида Тожикистонда ўн кунлик хизмат сафарида бўлган мутахассислари жамоасининг пресс-релизи эълон қилинди. Пресс-релиз ва хабарнинг барча тафсилотларига тўхталиб ўтирмасдан, фақат бир жиҳатга эътиборингизни тортмоқчиман — қўшимча тадқиқотлар мижоз (“Барки Тожик” электр компанияси) томонидан техник иқтисодий асослар бўйича маслаҳатчи (“Coyne et Beltier”/ атроф-муҳит бўйича мувофиқлаштирувчи марказ/ Парламентлараро ассамблея) кўрсатмалари ва назорати остида ўтказилади. Яъни қўшимча тадқиқотлар тор кўламда ўз тадқиқот хизматига ва муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассисларига эга бўлмаган мижоз томонидан бажарилади. Демак, тадқиқотларга нисбатан принципиал ёндашув ўзгармаган ва мен юқорида санаб ўтган геологик муаммолар ўрганилмаганича қолиб кетаверади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, Жаҳон банкининг юқорида айтилган жамоаси таркибида ҳам муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассислар бўлмаган. Қўшимча тадқиқотлар олиб бориш, рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган маҳаллий ҳалокатларни бартараф этиш учун харажатлар Роғун ГЭСи қийматини янада ошириб юборади. Сув иншооти қурилишининг умумий қиймати янада қимматлашиб, 7 миллиард АҚШ долларига етади. Лойиҳалаштирувчиларнинг хатолари ва малакасиз муҳандислик-геологик тадқиқотлар мазкур рақамни бундан-да ошириши мумкин. Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келишини истисно қилиб бўлмайди.

**Sarez-lake.ru сайти**

# Қулай инвестициявий муҳит ва самара

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умуман олганда, инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Биргина 2011 йилда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилиши натижасида автомобиллар учун двигатель, генератор, импорт ўрнини босувчи маиший техника воситалари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бундай лойиҳалар “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ҳам муваффақиятли рўёбга чиқарилаяпти. Айни пайтда бу ерда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергия тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, шунингдек, косметика ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда, яъни инвестициявий лойиҳалар ва уларнинг самарадорлиги хусусида сўз юритилди.

Мутахассисларнинг айтишича, жорий йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган капитал қўйилмалар ҳажми 109,3 фоизга ўсиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Шу жумладан, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга ошади. Бу, ўз навбатида, 1375 та объектни ишга тушириш, 270 дан зиёд инвестициявий лойиҳаларни якунлаш имконини беради. Пировардида яна кўплаб янги маҳсулотлар, хусусан, “Коболт” русумли енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланади.

Тадбирда иқтисодиётимизнинг бошқа соҳалари — кимё ва нефть кимёси, транспорт коммуникацияси тизимида амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАХТУ САОДАТ МАСКАНИ

*Оилалар қадрланадиган, муқаддас даргоҳ сифатида асраб-авайланадиган юртда қут-барака бўлади. Шунинг учун ҳам халқимизда азал-азалдан оила шаъни, обрўси ҳамма нарсадан устун қўйилган. Истиқлол йилларида оилага бўлган муносабат янада юксалди. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти ривожи оиланинг ижтимоий аҳамиятини, мавқеини ошириш билан бевосита боғлиқ. Бу борада “Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги” концепцияси алоҳида ўринга эга.*

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Ушбу ҳамкорлик асосида оила, маҳалла ва мактабда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ҳуқуқий тарбияни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Маҳаллаларда “Оила сабоқлари”, “Оила тинч, маҳалла тинч”, “Мустақил ҳаёт бўсағасида”, “Спортчи оила”, “Оила бахти — Ватан бахти”, “Биз кучли ва соғлом оила” каби турли танлов ва тадбирларнинг ўтказилиши ёшлар онгида оила ҳақидаги илк тушунча ҳамда эзгу-мақсадларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маҳалламизда 5190 аҳоли, 1891 оила бор, — дейди “Яккасарой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нўъмонжон Низомов. — Ҳудудимизга қарашли 40 та кўп қаватли уйда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Мактаб, боғча, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари улар хизматида. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар доимий эътиборда. Кимга қандай кўмак керак, ким тўй қилмоқчи — доим хабардормиз. Шунингдек, фарзанд тарбиясида маҳалланинг ўрни инобатга олиниб, “оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлмоқда. Бу билан ўғил-қизларимизнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, фанларни ўзлаштириши, улар униб-ўсаётган оиладаги муҳит доимий назоратда бўлади. Шукрки, маҳалламиз тинч, одамлар аҳил-иноқ.

Халқимизга таърифу тавсиф берилганда кўпинча болажон, меҳмондўст деган иборалар тилга олинади. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар биримиз фарзанд орзу-ҳаваси билан яшаб, унинг камолини кўришни муқаддас мақсад, деб биламиз. Уйимизга меҳмон келса, бор-йўғимизни тутиб, уларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қиламиз. Буларнинг барчаси ота-боболаримиздан ўтиб келаётган урф-удумлар, энг муҳими, оила тутумига бориб тақалади. Бинобарин, оилада ўзаро ҳурмат-иззат бор экан, бундай хонадонда тарбияланган фарзанд намунали хулқ-атвор эгаси бўлади, жамиятга, эл-юртга нафи тегади.

— Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, бу борада ўқитувчи-мураббийнинг вазифаси ҳам шунчалик масъулиятлидир, — дейди Зангиота туманидаги 44-мактаб директори Ўктам Худоёров. — Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, буни ўғил-қизларимизга ҳозирдан тушунтириб борсак, улар қалбида оилага, маҳаллага, эл-юртга ҳурмат ва муҳаббат туйғуси янада ошади.

Дарҳақиқат, миллий урф-одат ва анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук инсонлар қилиб тарбиялашда мактаб муҳити муҳим аҳамиятга эга. Устозлар ўгити, йиллар силсиласида тобланган тажрибаси ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашларида маёқ вазифасини ўтайди.

Фарзанд тарбиясида таълим даргоҳларининг ўрни хусусида сўз борар экан, Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридаги қуйидаги фикрлари кишини беэътибор қолдирмайди: “Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”.

...Кузатган бўлсангиз, эндигина атак-чечак қилаётган гўдак дастлаб оила аъзоларини бошқалардан ажратади, уларга тақлид қила бошлайди. Улғаявергач, маҳалла-кўй, қўни-қўшни, кейин мактаб, қисқача айтганда, жамоатчилик таъсирида бўлади. Ота-онанинг муомала маданияти, мактаб ва маҳалладаги муҳит бола онгу шуурида ўзига хос тарзда из қолдириб бораверади. Биз ўз боламиз у ёкда турсин, етти ёт бегонанинг фарзанди ножоиз ҳаракат қилганини эшитсак ҳам дил-дилдан ачинадиган халқмиз...

Шу маънода, фарзандларимизнинг намунали хулқ-атвор эгаси бўлиб камол топишларида “оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлиги бекиёс ўрин тутиши, шубҳасиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**









## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2011 йил 26 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Оққўрғон» ҚФЙ, «Султонобод» ДФХУда жойлашган ғишт ишлаб чиқариш цехи қўйилмоқда. Умумий ер майдони — 90012.2 кв.м., бино ва иншоотлар майдони — 1872,8 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулклар 2012 йил 24 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 11 май куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

458R/121

*Лицензия: RR-0052.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 23 сентябрдаги 26/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 21-уй, 136-хонадонда жойлашган, умумий майдони 88,40 кв.м. бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 146 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 30 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ мавзеси, 39-уй, 81-хонадонда жойлашган, умумий майдони 97,17 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонасидан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 6 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 4 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

460-1R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!**

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.***

460-2R/1441

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

***баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Хоразм вилояти хўжалик судининг 2011 йил 24 мартдаги 22-1106/1199-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторларининг 2012 йил 7 мартдаги 13-сонли йиғилиши баёни қарорига асосан, «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчасида жойлашган «2-сон автобаза филиали» мулкий мажмуа сифатида қўйилади. Бошланғич баҳоси баҳолаш ҳисоботига асосан тугатиш қийматида — 1 229 456 000 сўм.

**2.** Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 8-уйда жойлашган маъмурий бино ва иншоотлар мулкий мажмуа сифатида қўйилади. Бошланғич баҳоси баҳолаш ҳисоботига асосан тугатиш қийматида — 539 680 200 сўм.

**3.** Урганч тумани ва Беруний тумани, Амударё соҳили ҳудудларида жойлашган ёрдамчи хўжалик бино ва иншоотлар мулкий мажмуа сифатида қўйилади. Бошланғич баҳоси баҳолаш ҳисоботига асосан тугатиш қийматида — 573 408 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилояти филиали жойлашган манзил (Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 апрель куни соат 18.00.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 19, 24 ва 26 апрель кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 19 апрелдаги такрорий савдо учун 2012 йил 17 апрель куни, 24 апрелдаги савдо учун 20 апрель куни ҳамда 26 апрелдаги савдо учун 24 апрель куни соат 18.00.

Шунингдек, «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган Хонқа тумани, Муллаёп кўчасида жойлашган «Хонқатаъмирмонтажқурилиш» МЧЖ мулклари мулкий мажмуа сифатида 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 272 122 200 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 апрель куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилояти филиали жойлашган манзил (Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 30 март куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 3 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5, 10 ва 12 апрель кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 апрелдаги такрорий савдо учун 2012 йил 3 апрель куни, 10 апрелдаги савдо учун 6 апрель куни ҳамда 12 апрелдаги савдо учун 10 апрель куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Суд бошқарувчиси томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш шакли ва муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-43-64. Факс: (8-371) 226-32-63. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

459R/1441

*Лицензия: RR-0001.*


## ОБ-ҲАВО

(17 март)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -3 +2 | 0 +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +2 +7 | +10 +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +2 +7 | +10 +15 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +5 +10 | +14 +19 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +2 +7 | +10 +15 |
| Тошкент шаҳрида | +2 +4 | +15 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5